



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2023-yil avgust soni №08 (46)

Toshkent-2023

“СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ” АСАРИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИКНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Зиёдаҳон Илҳомжон қизи УСМАНОВА

ўқитувчи

Чирчиқ давлат педагогика университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

z.usmanova@cspi.uz

Аннотация

Мақолада Хуршид Давроннинг “Соҳибқирон набираси” бадиаси таҳлил қилинган. Бадиага хос хусусиятлар, тарихий воқеалар талқини ва ёзувчининг бадиий маҳоратига оид фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўзлар: тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима, қисса, бадиа, қиёсий таҳлил.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОТОБРАЖЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКОЙ РЕАЛЬНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «ВНУК САХИБКИРАНА»

Зиёдаҳон Илҳомжон қизи УСМАНОВА

преподаватель

Чирчикский государственный педагогический университет

Чирчик, Узбекистан

z.usmanova@cspi.uz

Аннотация

В статье анализируется произведение Хуршида Даврона “Внук Сахибкирана”. Изложены мнения о присущих произведению свойствах, анализ исторических событий и суждения о художественном мастерстве писателя.

Ключевые слова: историческая правда, художественный вымысел, повесть, бадиа, сравнительный анализ.

1990 йилларнинг охири миллатимиз тарихи, сиёсий ва маданий ҳаётидаги катта ўзгаришлари билан ажралиб туради. Бу эса бевосита бадиий тафаккурга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Кўп йиллик мустамлакачилик сиёсати халқимизни бой ўтмишидан, адабий-маънавий меросидан бир қадар узоқлаштирган эди. XX асрнинг сўнггида юзага келган вазият, миллий истиқлолнинг қўлга киритилиши адабий жараёнда ҳам ўз аксини топди, янги адабиётимизда ҳам кескин ўзгаришлар даври бўлди. Энг аввало, унутилган тарихимизни қайта тиклаш, маънавиятимиз дурдоналари бўлган буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлларини ҳаққоний тарихий манбалар асосида қайта ўрганиш долзарб вазифа сифатида кун тартибига кўтарилди. Чинакам ижодкорлар бу юксак имкониятдан фойдаланган ҳолда, Алишер Навоий ижоди, темурийлар даври адабиёти, миллий уйғониш ва жадиदчилик ҳаракати намоёндаларининг таржимаи ҳоли ва адабий

меросига янгича назар ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёндашдилар. Натижада, тарихнинг бизга номаълум саҳифалари тўлақонли ўрганилди ва халқимизга тақдим этилди. Бу улкан тарихий ҳодисалар Хуршид Даврон ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Даставвал, тарихга ўзгача меҳр ва ҳурмат, қолаверса, теран бадиий ижод унинг кейинги асарларининг мавзу ва ғоясини белгилаб берди.

Ёзувчининг ижод лабораториясига назар ташлайдиган бўлсак, унда асосан она табиатга ғамхўрлик, барча замонлар учун бирдай долзарб бўлган ижтимоий-маърифий муаммолар ва тарихий йўналишда ёзилган асарлар салмоқли ўрин эгаллашига гувоҳ бўламиз. Ижодкор, айниқса, тарихий-маърифий қиссалар яратишда самарали қалам тебратмоқда. Қисса жанри ҳикоя ва романдан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Фақат ҳажми ёки мазмунидан ташқари қиссада асосан, қаҳрамон ҳаёти ва унинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари етакчилик қилади. Ҳикоя жанрида воқелик, романда эса давр хусусиятлари олдинги позицияни эгаллайди. Профессор Д.Қуронов ўзининг “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида: “Роман муаллифи учун қаҳрамон восита — дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси, қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи мақсад (воқеа-ҳодисалар восита), ҳикоянавис учун воқеанинг ўзи мақсад бўлиб қолади,” [6] — дея бу уч жанр ўртасидаги фарқни изоҳлайди.

Нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам Хуршид Давронга қадар қисса жанрида жуда кўплаб асарлар яратилди ва яратилмоқда. Лекин ҳар бир ижодкорнинг ўз “мени”, йўналиши ва бошқалардан ажралиб турадиган ижодий концепцияси бўлади.

Хўш, Хуршид Даврон ижодининг индивидуаллиги нимада? Ижодкорнинг “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни томонидан 1995 йилда нашр этилган “Соҳибқирон набираси” тарихий-маърифий бадиасини таҳлилга тортиш орқали бу саволга жавоб излашга уриниб кўрамиз. Шу ўринда бадиа ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Адабиётда кишининг диққатини тортадиган асарларга бадиа дейилади. «Бадиа — фикрнинг эркин, табиий ифодаси. У қалбдаги ҳис-туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қоғозга «сочилади». Бадиада замон ва замондошлар, санъат ва адабиёт ҳақидаги қарашлар акс этади; бурч, садоқат, тарих олдидаги масъуллик ҳисси ҳақида мулоҳаза юритилади. Умуман, бадиа — кишининг ҳаққоний ўйлари, воқеа — одамларга ҳалол қарашларни акс эттирувчи жанр» [3]. Демак, ҳар қандай бадиа ноёб, нодир ва бетакрор бўлиши шарт. Ёзувчи асарларида муайян тарихий ҳодисаларга оид ўз фикр-мулоҳазаларига, асар қаҳрамонларининг реал ҳаётига доир муҳим воқеалар тасвирига, пейзажнинг давр ва шахс руҳиятига мослигига, таҳлил этилаётган жараёнлар хусусида китобхон билан бевосита эркин мулоқотлар қилишга кенг ўрин беради. И.Ғофуровнинг “Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида икки бадиа”, А.Ориповнинг “Эҳтиёж фарзанди”, Ш.Холмирзаевнинг “Бинафша ҳидланг, амаки”, “Бир вужудда икки жон” асарларини жанрнинг эркин намуналари сифатида таъкидлаш лозим.

“Соҳибқирон набираси” китобидан учта бадиа ўрин олган. Булар: “Бибихоним қиссаси ёки тугамаган дoston”, “Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят” ва “Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси”дир. Бу бадиаларни ёзишда ижодкор жуда кўп манбаларга таянади. Уларни синчиклаб ўрганиш натижасида бир-биридан қизиқ ва нодир бадиий асарлар дунё юзини кўради. Биз адиб таянган, унга илҳом берган манбаларнинг қиёсий жиҳатларига ҳам тўхталдикки, чунки ҳар қандай илмда ҳақиқатга етиш учун албатта қиёс даркордир. Дунё тарихида шавкатли Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар тарихига бағишлаб ёзилган минглаб асарларни учратиш мумкин. Бундай асарлар ҳали Темур тириклик вақтларидаёқ битила бошланганди.

Аммо ҳар бир ишда адолатни севгувчи одил ҳукмдорга Амир Темур шахсиятини, унинг эришган ғалабаларини бўрттириб кўрсатувчи тарихнависларнинг асарлари маъкул келмаган. Аммо ўз юришлари тарихи битилган ва барча учун тушунарли бўлган асар яратишга иштиёқи бўлгани сабабли 1401-1402 йиллар оралиғида машҳур тарихчи олим Низомиддин Шомийни ўз ёнига чорлайди ҳамда юришлари тарихини тадрижий тарзда аниқ баён этишни унга топширади. Шу тариқа Амир Темур ҳаёти ва юришлари тарихи аниқ ва ишончли тарзда баён этилган илк тарихий мемуар асар дунё юзини кўрди. Аммо бу асар воқеалари турли сабабларга кўра 1404 йил баҳоригача, яъни Амир Темурнинг Озарбайжондан Самарқандга қайтиши билан якунланади. 1405 йил 18 февраль – Темур вафотигача бўлган воқеалар Ҳофизи Абру томонидан ниҳоясига етказилади. Ушбу китоб Низомиддин Шомий “Зафарнома”сига “Зайл” яъни “Илова” тарзда ёзилгани тарихий манбаларда қайд этилади.

Иккинчи энг ишончли объект бу – Ғиёсиддин Алининг “Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон” асари бўлиб, у кундалик тарзда Соҳибқироннинг Ҳиндистонга юриши воқеалари ҳақида ҳикоя қилувчи ўта муҳим манба ҳисобланади. Аммо бу асар хушомадларга бой бўлгани сабабли улуғ Соҳибқиронга маъкул тушмайди.

Бундан кейинги манба шак-шубҳасиз Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал макдур фи тарихи Таймур” асаридир. Гарчи муаллиф буюк саркардага нисбатан аламзада кайфиятда бўлса-да, Темурни шахсан таниган ва шу даврда яшаганлиги, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлиги жиҳатидан бу асар ҳам жуда қимматли манба ҳисобланади. Қолаверса, Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг саркардалик ва давлат бошқарувидаги салоҳиятини юксак баҳолайди.

Амир Темур тарихи ҳақида гап кетганда, энг аввало, унинг шонли юришлари ҳақида кенг мушоҳада юритилган, ҳар бир воқеага алоҳида изоҳ берилган тўлиқ ва мукаммал асар саналган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си таъкидланади. Бу асар гарчи Темур вафотидан кейин 1424-1425 йилларда ёзиб тугалланган бўлса ҳам темурий ҳукмдор Иброҳим Султон назорати остида ёзилганлиги сабабли энг ишончли манбалар қаторига қўшилади.

Амир Темур салтанати тарихи нафақат ўз юртимиз тарихчилари, балки олис ўлкалардан келган Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга – Темур саройига саёҳат кундалиги”да ҳам ёритилган. Бу кундалик 1403-1406 йиллар оралиғида Ўрта Ер денгизи соҳилидаги мамлакатлар, Туркия, Эрон ҳамда Турон заминдаги Темур салтанатига уюштирилган элчилик ташрифи, йўл таассуротлари, муаллифнинг ўй-фикрлари, ўша давр Турон заминдаги сиёсат, маданият, қурилиш ва ободончиликка ҳолис нигоҳ билан қаралганлиги сабабидан алоҳида аҳамият касб этади.

Чор Россияси ва Собик Шўро тузуми даврида Амир Темур ҳақидаги ҳақиқий тарихни очиқ намоиш этиш имконсиз эди. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллий ўзликни англашга, буюк ва шонли тарихимизни қайта тиклашга бўлган интилишлар кучайди. Тарихга қизиқувчи жуда кўплаб, таъбир жоиз бўлса тарихшунос ёзувчилар Амир Темур тарихини ёритувчи ўнлаб асарлар яратдилар. Бу борадаги илк қадамлар сифатида профессор Б.Аҳмедовнинг 1995 йилда ёзилган “Амир Темур” тарихий романи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг 1993-2003 йиллар оралиғида яратилган “Улуғ салтанат” роман-эпопеялари, 1996 йил Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов қаламига мансуб “Соҳибқирон” драмалари билан бир қаторда Х.Давроннинг ҳам хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хуршид Давроннинг тарихий мавзуда ёзилган асарларининг аксари Темур ва

темурийлар салтанати атрофида бирлашади. “Соҳибқирон набираси” қиссаси буюк темурий ҳукмдор, юлдузлар илмининг билимдони Муҳаммад Тарағай Улуғбек Мирзонинг 600 йиллигига бағишлаб ёзилган. Асарнинг бош қаҳрамонлари Соҳибқирон Амир Темур ва унинг сеvimли набираси Мирзо Улуғбекдир. Асар композицияси ўзига хос тузилишга эга. Сюжет Амир Темур ва Мирзо Улуғбек шахсияти асосига қурилган. Адабиёт илмида сюжетнинг бешта типи ажратилади. “Соҳибқирон набираси”нинг сюжети синтетик типга мансуб. Илмий адабиётларда бу типга қуйидагича таъриф берилади:

“Қоришиқ тарзли сюжет хилма-хил тасвир усулларига суянади, таҳлил реалистик бўлади, ҳаёт турли йўллар билан тўла кўрсатилади, воқеа тасвири детерминив (сабабли боғланиш тарзида) кўринади” [3].

Ёзувчи, энг аввало, асар воқеалари кечадиган ҳудуд Туркистон ўлкаси ҳақида китобхонга тўлиқ маълумот беради. Унинг турли даврларда турлича номлангани, бу атамаларнинг келиб чиқиши, чегаралари ҳақида тарихий манбаларга суянган ҳолда кенг ахборот беришининг ўзи ҳам ёзувчи маҳоратидан, унинг фақат тарихни эмас, балки топонимия илмидан ҳам хабардор эканлигидан далолат беради.

Асарнинг асосий воқеалари Хуросон ҳукмдори Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух мирзонинг вафоти билан бошланади. Тарихда бир подшоҳ вафот этса, унинг ўрнига даъвогар ўнлаб шахзодалар ўртасида қирғинбарот жанглар бошланганига мисоллар жуда кўп. Дунёнинг ярмини эгаллаган буюк салтанатларнинг емирилишига ҳам аслида мана шундай тахт талашишлар сабаб бўлган.

Шохрух мирзо вафот этиши билан бошланган тахт учун кураш ота-болани бир-бирига қарши қўяди. Гавҳаршодбегимнинг тарбиясини олган ва унинг фитнасига алданган Абдуллатиф мирзо кетма-кет хатолар қилади. Бу хатоларнинг энг мудҳиши ва тарихда унинг номини бир умрга қора бўёқларда ёзилишига сабаб бўлган воқеа ўз отасига қарши қилич кўтаргани ҳамда кекса ҳукмдор жонига қасд қилгани бўлди. Тарихнинг бу машъум ҳодисаси кейинчалик юзлаб трагедияларнинг яратилиши учун замин бўлди. Хуршид Даврон ҳам бу воқеаларни бадиий бўёқларда ўта моҳирлик билан ифода этган. Асар фабуласи жуда пухта ўйланган. Мирзо Улуғбекнинг туғилиши ва Умаршайх мирзонинг вафоти билан боғлиқ сахналар бадиий жиҳатдан пишиқ, ҳар қандай китобхон қалбида бир ўқишда муҳрланиб қоладиган тарзда тасвирланган. Амир Темур ҳаётидаги муҳим воқеалар унга илоҳий тушлар воситасида олдиндан аён бўлганлигини бадиий асарларда жуда кўп учратамиз. Умуман олганда, туш хронотопига Хуршид Даврон асарларида тез-тез дуч келамиз. Амир Темурнинг туғилиши ва унинг дунё тарихида ўчмас ном қолдиргувчи буюк саркарда бўлиб етишиши ҳам отаси Муҳаммад Тарағайнинг тушида зоҳир бўлганлиги халқ орасида жуда кенг тарқалган. Умаршайх мирзонинг вафоти ҳақидаги совуқ хабар келмасидан аввал ота туш кўради:

“Тушида бундан ўн саккиз йил аввал тўсатдан оламдан кўз юмган тўнғич фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирни кўрди.

...бирданига унинг ёнида Умаршайх пайдо бўлди.

...иккала ўғли ҳам оппоқ либосда эдилар.

... иккала ўғли ҳам етти-саккиз яшарли пайтларидаги қиёфада эдилар.

...у олисдан туриб нималарнидир гапираётган ўғиллари томон чопа бошлади, аммо у етиб бормасдан ўғиллари оппоқ қушларга айланиб учиб кетдилар.

Ваҳима аралаш уйғондию, кўрган туши нимага ишора эканини сезгандек, юрагида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди” [3].

Дарҳақиқат, жаҳонгирнинг юраги алдамади. Орадан бир неча кун ўтгач, ўғлининг вафоти ҳақидаги шум хабар етиб келди. Аммо шу кунларда Султонияда қолган Сароймулкхонимдан ҳам мактуб келди. “Илойим, тинчлик-омонлик бўлсун! – деган ўй билан муҳрини бузиб, ипак боғични ечди. Сўнг мактубни ёйиб, унга кўз ташлади, сония ўтмай чехраси ёришди, кўзларида қувонч жимирлади. Савлатли қоматини тиклаб хитоб қилди:

Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” [3].

Бу қувончнинг сабаби шахзода Шохруҳ мирзонинг фарзандли бўлгани эди. Буюк Соҳибқирон ҳали ўзи кўрмаган бу гўдакни эъзозлаб унга ўз падарининг номини бериши ҳам бобо ва набира ўртасида ўзгача меҳр-муҳаббатнинг шаклланишига сабаб бўлгандир, балки. Тарихий солномаларда, хусусан, Низомиддин Шомийда Муҳаммад Тарағайнинг туғилиши шарафига Мордин шаҳри аҳолиси оммавий қатли ордан қутулиб қолганлиги ҳақида далиллар мавжуд:

“Бу хабар Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоқларига етгач, шодон бўлиб, шукронаси учун Мордин мамлакати ва унинг аҳолисини озод қилди ҳамда у вилоятни илгарироқ (ўша ерда) ҳоким бўлиб турган Султон Солиҳга муқаррар қилди” [3].

Асарнинг шу қисмида яна бир тасвирга эътиборни қаратиш керак.

“Тахти олийда ўтирган Амир Темур тўсатдан малика Сароймулкхоним мактубини келтиришларини талаб қилди. Мактубни очиб, қайта-қайта ўқиб чиқар экан, кўзи намланди, киприклари пирпиради, аммо бўғзига тикилиб келган вовайлони ичига ютар экан, маҳзунҳол шивирлади:

Эй, Аллоҳ, ҳукмингга шукрлар бўлсун!..

Уни ҳайрату ҳасратга солган нарса мактубда қайд этилган невараси туғилган сана эди. Мактубга биноан Муҳаммад Тарағай жумодулаввал ойининг ўн тўққизинчи кунида дунёга келган. Агар бу ҳақиқат бўлса... Бирдан Амир Темурнинг нафаси қисилди... Ахир, айнан мана шу санада кўзининг қораси, нуридийдаси Умаршайх ўлдирилган эди-ку!...”

Тарихий ҳақиқатга асосланадиган бўлсак, Умаршайх мирзо 1394 йил январь ойида вафот этганига гувоҳ бўламиз. Мирзо Улуғбек ҳазратлари эса 1394 йил 22 мартда дунёга келган ва апрель ойи ўрталарида Соҳибқиронга бу хабар етиб келган. Аммо ёзувчи қарами кенг Аллоҳ бир қўли билан олса, бошқаси билан беришига ишора тарзда ҳар икки воқеа бир кунда содир бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳам ижодкорнинг бадиий ниятини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай тарихий мавзудаги асарда маълум даражада бадиий тўқима бўлмаса, у шунчаки воқеалар баёнига ўхшаб қолади. Хуршид Даврон тарихий манбаларга таяниб воқеаларни реаллигича баён қилади. Қаҳрамонларнинг характери, уларнинг ўй-фикрларини, ички ҳис-туйғуларини очиб беришда маҳорат билан ёндашади. Маълумки, тарихий солномаларда фақат воқеаларнинг мазмуни, бўлиб ўтган даври ва географик ҳудудларига аҳамият қаратилган. Мана шу фактларга таяниб, ҳар бир ижодкор ўз ижодий услубини ишга солган ҳолда бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган бетакрор асарларни яратади.

Қиссанинг энг таъсирчан нуқтаси Усмонли Турк давлатининг султони Боязид Йилдиримга қарши жангдан кейин ўликларга тўлиб-тошган жанггоҳда содир бўлади. Бу ерга ўғлини қидириб келган она асарнинг энг гўзал ва жонли образидир. Гарчи бу қаҳрамон тарихий жиҳатдан ҳеч бир манбада кўрсатилмаган бўлса-да, аммо жанг-жадаллардан иборат Ўрта асрлардаги энг кенг тарқалган умумлашма сиймо сифатида деярли барча бадиий асарларда ўз ўрнига эга. Ёзувчи она образини шундай маҳорат

билан яратадики, унинг тўқима образ эканлигига қарамай, беихтиёр кўзларингизга ёш қуйилади. Жанггоҳдан ўз ўғлининг жасадини олиб кетаётган она бехос инграган товуш эшитиб ўша томонга борди. Ўз ўғлига икки томчи сувдай ўхшайдиган бу йигит душман қўшинига мансуб эди. Балки жанг вақтида ўғлига жароҳат ҳам етказгандир. Она буларни ўйлаб ўтирмайди. Фарзанди қатори уни ҳам уйига олиб кетади. Ўз фарзанди жангда шаҳид бўлди, аммо бу йигитнинг кўзларида ҳали умид шами ўчганича йўқ. Она образи ҳамиша меҳр-муҳаббат ва шафқат рамзи бўлиб келган. Бу асарда ҳам душман йигитни уйига олиб кетаётган онанинг қалби меҳрга тўла.

“Уйга олиб бориб либосларини алмаштириш керак! Бўлмаса, уни ўлдириб қўйишлари турган гап... Яраси оғир, аммо тангри марҳамат қилса, тирик қолиши мумкин. Бечоранинг онаси ҳозир нима қилаётган экан-а?”

Бир муштипар она сиймосида жанглarning ҳақиқий дахшати, улардан инсон онгида қолувчи маънавий талафотларнинг беқиёслиги, айрилиқ азоби, она жасорати ва фидойилигининг бутун манзараси намоён бўлади.

Асар давомида Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг мураккаб ҳаёт йўли, турфа тақдирлари ва биргаликда кечган масъуд онлари тарихий фактларга асосланган ҳолда бадиий бўёқларда акс эттирилган. Ижодкор насрида асосий фактлар тўлиқ шарҳлангани ва турли тарихий манбалардан иқтибослар келтирилганлиги билан бу типдаги бошқа асарлардан фарқланади. Ёзувчи ҳам илмий, ҳам бадиий жихатдан воқеаларга ёндашади. Тарихий ҳақиқат ва шароитга мос келувчи бадиий топилмалар яратади. Бадиий тўқимадан кўра илмий асослар билан ишлашни афзал кўрган ёзувчининг индивидуаллиги ҳам шунда.

Хулоса қилиб айтганда, Хуршид Давроннинг бу бадиаси тарихимизни ўрганишда нафақат адабиётга қизикувчилар, балки тарихчилар учун ҳам муҳим манба сифатида аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Даврон, Хуршид. Соҳибқирон набираси. – Тошкент: Шарқ, 1995.
2. Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – № 5.
3. Усманова З. Хуршид Давроннинг “Соҳибқирон набираси” асарида темурийлар тарихининг бадиий талқини. – ЎЗА.
4. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2007.
5. Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
6. Қуროнов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004.



МУНДАРИЖА

ИҚТИСОД

А.А.АКРАМОВА. Иқтисодий барқарорликни таъминлашда инновацион менежментни ташкил қилиш	3
--	---

ЮРИДИК

Б.И.ИСЛОМБЕКОВ. Метрополитен ва унинг транспорт инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг айрим чоралари	10
С.Р.НАСРУЛЛАЕВ. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	15

ФИЛОЛОГИЯ

Э.Ғ.ҚУРБОНОВА. Аҳмад Яссавий ижодида хурмо тимсоли.	20
А.РАЗЗОҚОВ. Навоий ижодида тарихий-тасаввуфий образлар	25
Г.А.МАРДОНОВА. Никоҳ тўйи маросим фольклорида тўй қўшиқларининг мазмуни ва аҳамияти	32
Г.Я.ГУЛЯМОВА. Ўзбек тилида ўрин-жой номлари.....	38
З.И.УСМАНОВА. “Соҳибқирон набираси” асарида тарихий воқеликнинг бадиий ифодаси	45
Н.А.МУСАЕВА. Ахборот агентликлари фаолиятида манипуляцион стратегиялар аҳамияти.....	51
Г.У.НАЖМИДДИНОВА. Визуал бурилишларнинг ижтимоий-маданий таъсири....	58
Х.Р.МАҲМУДОВА. Аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишда ОАВнинг ўрни: долзарблиги ва аҳамияти	66
Н.ХУДОЙНАЗАРОВА. Фитратнинг “Меърож”, “Зайд ва Зайнаб” ҳикояларининг бадиий хусусиятлари	74
М.ШУКУРОВА. Турғун бирикмаларда “аёл” концептининг актуаллашуви.....	81
С.МАМАТКУЛОВА. Русская литература в цифровом пространстве: исторический обзор и типология.....	89
С.З.БЕРДИЕВА. Ёзувчи Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Қиёмат” ҳикояси композициясига чизгилар.....	97

ФАЛСАФА

Ҳ.П.ТЎХТАЕВ. “Қадриятлар соҳаси” ва “аксиология қонуниятлари” тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили	102
Д.МАҲКАМОВА. Ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари	111